



Халқ демократик партияси қанчалик самарали фаолият юритаётгани аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами ҳаёт даражасини юксалтиришга, ижтимоий ислохотлар самарасини оширишга қанчалик даражада таъсир кўрсатаётгани билан ўлчанади.

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ВА ҚАДР-ҚИММАТИМИЗ ТИМСОЛИ

**2 июль — Ўзбекистон
Республикаси Давлат герби
қабул қилинган кун**

Президентимиз Ислон Каримов 1992 йил 2 июлда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги қонунга имзо чекди. Бу билан мамлакатимиз мустақиллиги мустаҳкамланди. Халқимиз ўзи истаган ва танлаган йўл — эркин, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида яна бир муқаддас тимсолга эга бўлди. Ўзбекистон халқи ўз қадр-қимматини, таянчи ва сунъини чуқурроқ англай бошлади.



рихимизда озодлик, ғурур-ифтихор ва ор-номус тимсоли бўлганидан, боларимиз уни муқаддас ва азиз санганидан далолатдир.

Аждодларимиз давлат тамғасини азалдан муқаддас тимсол, деб билган. Маҳмуд Қошғарий «Девону луғатит турк» асарида тамғани «подшоҳнинг ҳукмдорлик тамғаси ва муҳри», деб изоҳлайди. Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» китобида ёзилишича, XIII-XV асрларда Ўзбекистон ҳудудида савдо қарвонларидан олинадиган солиқ «тамға солиғи», деб аталган.

Соҳибқирон Амир Темур тамғасида «Куч — адолатда» маъносини англатувчи ёзув-муҳр бўлган. Улуғ бобомиз салтанат асосини ана шу улуг хикмат асосига қурган. Буларнинг барчаси давлат тамғаси халқимиз ҳаёти ва миллий давлатчилик та-

(Давоми 2-бетда.)

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

ФАҚАТ МУСТАҚИЛЛИК ОРҚАЛИ

*киши ўз ор-номуси ва ғурурини англайди,
улуг мақсадларга эришади*

Шу кунларда халқимиз буюк тарихий сана — Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигини муносиб кутиб олиш ва кенг нишонлашга пухта тайёргарлик кўрмоқда. Шундай пайтларда мустақиллигининг ҳаётимизда тутган ўрни ва аҳамиятини, бекиёс ўзгариш ҳамда янгиланишлар моҳиятини янада теранроқ англаймиз, истиқлолнинг қадр-қиммати нечоғлик улуг эканини дилдан ҳис этамиз. Бу эса кишиларни катта мақсадлар йўлида янада бирлашиб, интилиб яшашга ундайди.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни

ўтказиш тўғрисида»ги Қарориди биз учун энг улуг, энг азиз бўлган айёмга муносиб тайёргарлик кўриш ҳамда юртимизнинг энг олис ҳудудларида

ҳам кўтаринки руҳда ўтказиш бўйича аниқ йўналишлар белгилаб берилди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси мустақиллиқни асраш ва мустаҳкамлаш, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, халқ фаровонлигига эришиш каби умуммиллий манфаатларни ўз мафқураси ва сиёсий фаолиятининг пойдевори, деб билади. Шундай экан, байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тадбирларида партиянинг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлари фаол иштирок этиши зарур.

(Давоми 2-бетда.)

**ЖАМОАТ
ТРАНСПОРТИ
ТОЗАЛИГИГА
РИОЯ ЭТИШ —
ҲАР
БИРИМИЗНИНГ
БУРЧИМИЗДИР**



**БУЮК
ОРЗУЛАР
ОСТОНАСИДА**



**«СЕНИ
КУЙЛАЙМИЗ,
ЗАМОНДОШ!»**



2013 йил — Обод турмуш йили

ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ҲАМШИРАСИ АНИҚЛАНДИ



Тошкентдаги «Туркистон» саройида «Ҳамшира — 2013» республика кўрик-танловининг финал босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тегишли давлат, жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, шифокорлар, ҳамширалар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Танлов иштирокчилари пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истикболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи — Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Пойтахтимизда истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкор-

лик ишлари билан танишди. Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов ташаббуси билан барпо этилган «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи, «Маърифат маркази» ва «Бунёдкор» спорт мажмуасини бориб кўрди.

Тадбирда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирли-

А.Алимов, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Абдурахимова ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнаомлигида мамлакатимизда аҳоли саноатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни вояга етказиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида амалга оширишга кенг қамровли ишлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини модернизациялаш, тиббиётнинг барча йўналишларида замонавий технологиялардан оқилона фойдаланиш, бирламчи тиббий-профилактика ёрдами кенгайтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада қабул қилинган давлат дастурлари ва лойиҳаларда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга малакали врачлар билан бирга ҳамширалар ҳам фаол ҳисса қўшаётир.

(Давоми 2-бетда.)

ЎЗХДП: устувор вазифалар

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия ҳаёти, партия ташкилотлари фаолиятини янада кучайтириш билан боғлиқ қатор масалалар кўриб чиқилди.

ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШ УЧУН

тизимли фаолиятни кучайтириш зарур

Партия Марказий Кенгаши раиси Хотамжон Кетмонов бугунги кун партия ташкилотларидан ўз фаолиятини доимий равишда кучайтириб боришни, тизимли асосда фаолият кўрсатишни талаб этаётгани, қилинаётган ҳар бир иш аниқ мақсадга қаратилиши ҳамда самарали натижа бериши шартлигини таъкидлади.

Ижроия қўмита Фаргона вилоятида партия «Фаол аёллар» қанотининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашига сайланган аёл депутатларимиз билан ҳамкорликда олиб бораётган ишларининг ахволи ҳақидаги масалани муҳокама этди.

Таъкидландики, Фаргона вилоятида «Фаол аёллар» қаноти депутат аёллар билан

биргаликда қатор ишларни амалга оширмоқда. Бир нафар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, бир нафар Сенат аъзоси, 39 нафар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари бўлган хотин-қиз партиядошларимиз билан ҳамкорлик «Фаол аёллар» қаноти фаолияти:и кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Мисол учун «Мустаҳкам оила — жамият таянчи» лойиҳасини амалга ошириш натижасида депутатларимиз турли масалаларни халқ депутатлари Кўштепа, Ўзбекистон, Бувайда туман Кенгашларининг доимий комиссиялари муҳокама қилиб чиқилгани фикримизнинг тасдиғидир.

⇒ 2

**Бошланғич партия ташкилотларида
ҳисобот-сайловлар**

ТАЛАБЧАН ЕТАКЧИЛАР САЙЛАНИШИ

**ибратли ишлар, ташаббуслар
кўпайишига йўл очади**

Бошланғич партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишларини уюшқоқлик билан ўтказиш, замонавий фикрлайдиган, интилувчан ва талабчан етакчиларни сайлаш партия фаолиятини тубдан кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, бу электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, аъзоларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, партия дастурий мақсадларини амалга ошириш ва уни кенг тарғиб қилиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

⇒ 2



**Сергели туманидаги
13-оилавий поли-
клиникада фаолият
юритаётган пар-
тиямиз бошланғич
ташкilotининг
ҳисобот-сайлов
йиғилиши
бўлиб ўтди.**

Муносабат

Буюк орзулар остонасида

Мамлакатимиз Президенти Ислон Каримовнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табриги барча журналистларни ҳаяжонга солди, қувонтирди, янги ижодий ишларга илҳомлантирди.



Носир ХАЙДАРОВ олган сурат.

Ушбу табрик Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети магистратура босқичини шу йил тугатган магистрлар қалбиди ҳам фахрифтхор туйғуларини уйғотди.

Акмал ТОШЕВ,
ЎЗМУ магистранти:

— Мақола ёзиш, бунинг устига, жамоатчилик эътироф этадиган мавзунини топиб қаламга олиш учун ҳам назарий, ҳам амалий билим керак. Қайсидир маънода биз республикамиз ОАВ тахрирларида яратилган шароит ва имкониятдан фойдаланиб, назария ва амалиётни бирга олиб бордик.

Президентимиз эътироф этганидек, матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири ошиб, халқимиз ўртасида «Туртинчи ҳокимият» сифатида тобора катта ишонч ва ҳурмат қозониб бормоқда. Мен Президентимиз табригини эшитиб, ўзим учун режа туюдим. Мустақилликнинг халқимизга берган имкониятлари, юртимиздаги тинчлик, миллатлараро тотувлик тўғрисида туркум мақолалар ёзмокчиман.

Азизхон ФАЙЗИЕВ,
ЎЗМУ магистранти:

— Журналист касбини танлаганим-

да ушбу соҳанинг бу қадар масъулиятли ва машаққатли эканини тўлиқ англаб етмаган эканман. Дастлаб бакалавр, кейинчалик магистратура босқичларини тугатганимдан сўнг, бу борада анчагина назарий билимга эга бўлдим. Журналистикада ихтисослашув масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Мен ҳуқуқ соҳасини ёритадиган журналист бўлмокчиман.

Президентимизнинг биз журналистларга йўллаган байрам табригини ўқиб, бир хулосага келдим — Юртбошимиз бизга ишонади. Биз ана шу ишончга муносиб бўлишимиз лозим.

Ёркиной УМАРОВА,
ЎЗМУ магистранти:

— Президентимиз табригини ўқиб, ОАВ ва журналистларнинг ҳамяят ривожини, мамлакат тараққиётида жуда катта ўрин тутишига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Биз глобаллашув замонида яшаймиз. Ахборот хуружлари авж ол-

ган, нотинч ва таҳликали даврда халқимизга ҳолис ва тўғри ахборот бериш бизнинг зиммимизга юклатилган. Бунинг учун замонавий билимлардан хабардор бўлишимиз, хориж тажрибаси билан танишиб боришимиз керак. Бу эса ўз навбатида чет тилларини мукамал билиш, интернет тармоғи имкониятларидан самарали фойдаланишни талаб этади.

Одилжон КАРИМОВ,
ЎЗМУ магистранти:

— Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетига ҳужжатларимни топширишдан олдин журналист касбининг машаққати ҳақида маълум тасаввурга эга эдим. Биринчи курсда газетада амалиёт ўтаганимда журналистиканинг мен билмаган қирралари кўплигини, журналистлар ҳақиқий фидойи инсонлар эканлигини ҳис қилдим.

Кейинчалик «Тошкент» телерадиоканалида фаолият юрита бошладим. Орада ўзимни интернет журналистикада ҳам синаб кўрдим. Айтмоқчи бўлганим, ҳозирги давр журналисти замонавий ахборот технологияларидан хабардор, сиёсий саводхонлиги юқори бўлиши керак.

Касб байрамимиз муносабати билан Президентимизнинг байрам табригида рақамли телевидениега ўтиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилаётгани, Ўзбекистон Миллий телерадиоканалининг таркибиди «Маданият ва маърифат», «Дунё бўйлаб», «Болажон» телеканаллари ташкил этилгани бу йўлдаги муҳим қадам бўлганини алоҳида таъкидладим. Ушбу эътироф соҳанинг бир вақили сифатида мени ҳам тўлқинлантириб юборди. Буларнинг ҳаммаси юртимизда ОАВ соҳасида олиб бориладиган ислохотлар самарасидир...

Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаганидек, «Барчамизга яхши аёнки, эл-юртимиз, жамиятимиз журналистлар фаолиятига, авваламбор, уларнинг ўз Ватани, ўз халқига дахлдорлик туйғуси, гражданлик позицияси, ижтимоий масъулиятига қараб баҳо беради ва ўйлаймани, бу энг тўғри ва ҳаққоний баҳоидир».

Темур АЪЗАМ,
ЎЗМУ журналистика
факультети магистри.

Танлов

Пойтахтимизда Ватанимиз мустақиллигининг йиғирма икки йиллик байрамига бағишланган юртимиз театрларининг «Сени қутлаймиз, замондош!» деб номланган II республика танлови бўлиб ўтди. Унда театрлар жамоалари тавсия этган 30 дан зиёд сахна асарларидан 15 таси саралаб олиниб, танлов дастурига киритилди ва улар беш кун давомидида пойтахтимиз театрларида ҳайъат аъзолари, мутахассис мухлисларга намойиш қилинди.

«СЕНИ КУЙЛАЙМИЗ,
ЗАМОНДОШ!»

Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлган танлов ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими ҳомий ташкилотларнинг савгаларини топшириш билан бошланди. Сахнага навбатдаги танлов катнашчиси Хуснида Абдусаломова тақлиф этилди. Залда гулдурас қарсақлар тобора кучайиб борди. Чунки сахнага Гулистондаги 8-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Хуснида қикди. У Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят мусикали драма театрининг «Аёл қадри» спектаклида қизалоқ ролини маҳорат билан ижро этгани учун совгага муносиб бўлиб қолди.

Сахнадан тушиши билан Хуснида билан суҳбатлашдик. — Мен Маҳлули ролини ижро этдим, — дейди у. — Беш йил кўрмаган онамга соғинганимни айтаман. Спектаклда она ролини ўз онам — Барно Жумабоева ўйнади. Келажада актриса бўлмокчиман.

Ха, ҳар икки йилда бир марта ўтказилиши белгиланган театрлар танловида орзулари осмон Истиқлол фарзанди бўлган кўлаб ёш ис-

теъдодлар кашф қилинди. «Аёл қадри» спектакли Ўзбек Миллий академик драма театрининг «Ойдин» спектакли билан бирга 1-ўринга сазовор бўлди.

2-ўринга Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилоят мусикали драма театрининг «Садокат» спектакли, 3-ўринга эса Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусикали театрининг «Нур сояда қолмас» спектакли лойиқ деб топилди.

— Танлов мамлакатимиз театр жамоаларининг замонавий қаҳрамонлари образини яратиб борасида тинмай излашни олиб бораётганини кўрсатди, — дейди «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбари Омонулло Ризаев. — Бу жараёнда таниқли режиссёр, актёрлар билан бир қаторда умидли, истеъдодли ёш ижодкорларимиз ҳам фаол иштирок этаётгани бизни қувонтирди. Аслида, танловни ўтказишдан яна бир мақсадимиз истиқлол йилларида етишиб келаётган янги авлод ижодкорларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъдодини юзага чиқаришдир.

Асрор МҲМИН

Жаҳон чемпионати
— 2013ЁШЛАРИМИЗ — КЕЙИНГИ
БОСҚИЧДА

Туркияда ёшлар (U-20) ўртасида давом этаётган жаҳон чемпионатида гуруҳ учрашувлари поёнига етди.

«F» гуруҳида иштирок этган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси сўнгги турда уругвайлик тенгдодларига қарши майдонга тушди. 32-дақиқада иктидорли ярим ҳимоячи Жамшид Искандеровнинг қутилмаганда жароҳат олиб, майдонни тарк этгани ҳамюртларимиз ўйинига салбий таъсир қилди. Натижада ёшларимиз рақибларига йирик ҳисобда ютказиб қўйди — 0:4. Аммо бу мағлубият Ўзбекистон терма жамоасининг кейинги босқичга чиқишига тўқинлик қила олмади. Бунгача янги зеландияликларни 3:0 ҳисобда енгиб, хорватияликлар билан дуранг (1:1) уйнаган Аҳмаджон Мусаев шогирдлари «плей-офф» баҳсларида курашни давом эттириш имкониятини сақлаб қолди.

Энди Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Греция футболчиларига қарши майдонга чиқади. Учрашув 2 июль куни Газипантеп шаҳрида бўлиб ўтади.

Самандар БОБОРАЖАБОВ

O'zbekiston have yo'llari



ГОСУДАРСТВЕННОЕ УНИТАРНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ

«Toshkent Xalqaro
Aeroporti»

в третий раз объявляет
открытый тендер по приобрете-
нию малых многоцеле-
вых коммунальных машин в
количестве 2-х единиц.

Максимальный срок поставки техники — 120 дней с момента проведения предлодения покупателем.

Срок действия предложенной цены должен быть не менее 180 дней.

Денежный залог на участие в тендере уплачивается в размере 3000 долларов США или может быть заменен банковской гарантией обслуживающего банка. Денежные залоги вносятся на следующий расчетный счет: OJSCB «Asia Alliance bank» Operations Department

Uzbekistan, Tashkent
MFO ASACUZ22
№ 22696840300185981059 (USI)

ГУП «Toshkent Xalqaro Aeroporti»,
Uzbekistan, Tashkent, S.Tolipov str., 13
№ 2269600400185981002 (SUM)

Желающих принять участие в тендере просим прислать на E-mail: sapetmya2@gmail.com или по факсу 8-10-99871-140-28-48 заявку на получение тендерной документации.

Заявка должна быть оформлена на фирменном бланке организации и заверена подписью руководителя и печатью, иметь исходящий номер.

Прием заявок будет осуществляться с 10 июля 2013 года.

Стоимость тендерной документации: 150 долларов США, которые переводятся на выше указанный счет. Средства, уплаченные за документацию, не возвращаются.

При принятии решения об участии в тендере в первом конверте должна находиться копия платежного поручения о внесении залога или банковская гарантия.

Тендер будет проводиться с 1 по 25 июля 2013 г.

Прием тендерных предложений завершится в 15.00 по ташкентскому времени 25 июля 2013 г.

Дополнительную информацию можно получить по телефонам: +99871-140-29-54, +99890-187-62-19.

«POYTAXT SUG'URTA» шўба корхонасига тегишли JM-026 шаклдаги жомоний шахсларнинг мол-мулкни суғурта қилиш бўйича 0352255-0352300, 0352501-0352600, 0352403 рақамли суғурта полислари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Иқроия қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Тошкент вилоят кенгаши партия Марказий Кенгаши аъзоси Усманбай Атамжол оғани

Ойинса аълиев
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ЎзХДП Марказий Кенгаши ва Сирдарё вилоят кенгаши вилоят партия кенгаши раиси Алишер Тошматовга синглиси

Раъно ТОШМАТОВАНИНГ
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Хурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

2013 йил 1, 8, 15, 22, 29 август ва 5 сентябрь кунлари бошлангич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибига ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади.

Очик аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-ўйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкнинг куйидаги ҳўжалик жамиятлари Устав фондидаги улушлари қўйилмоқда:

№	Устав фондидаги улуш сотилаётган ҳўжалик жамиятининг номи ва ташкилий-ҳўқуқий шакли	Устав фондидаги улуш сотилаётган ҳўжалик жамиятининг		Савдога қўйилган улушнинг устав фондидаги фоизи (%)	Савдога қўйилган улушнинг бошлангич баҳоси	
		Манзили	Асосий фаолият йўналиши		Сўм	АҚШ доллари
1	«REGISTON PLAZA» МЧЖ	Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Шоҳрух кўчаси, 53-уй.	Жамият уставида халқаро меҳмонхоналар андозаларига жавоб берадиган меҳмонхоналар қуриш, қайта қуриш ва ундан фойдаланиш; меҳмонхона ишлари бўйича хизматлар мажмуини кўрсатиш; маблагларни меҳмонхоналар, савдо ва саноат, қурилиш индустрияси каби турли лойиҳа ва дастурларга йўналтириш; вақиллик, агентлик, реклама, маркетинг (шу жумладан, қимматли қўғозлар бозориди), маслаҳат хизматларини ташкил қилиш; қўғоз билан таққилланган бошқа тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш белгиланган.	100 %	31 894 709 000,0	15 637 727,50
2	«XORAZM PALACE» МЧЖ	Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Ал-Беруний кўчаси, 2-уй.	Жамият уставида металл бўлмаган центрифугир труба ГФКларни ишлаб чиқариш, уларни Ўзбекистон Республикаси ва ундан ташқари ҳудудларда сотиш орқали даромад қўриш ва бошқа фаолиятни амалга ошириш белгиланган.	100 %	21 768 229 000,0	10 672 793,19
3	«ASIA PIPEPLAST» МЧЖ	Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 327-«Б» уй.	Жамият уставида металл бўлмаган центрифугир труба ГФКларни ишлаб чиқариш, уларни Ўзбекистон Республикаси ва ундан ташқари ҳудудларда сотиш орқали даромад қўриш ва бошқа фаолиятни амалга ошириш белгиланган.	100 %	45 667 987 938,37	22 390 658,92
4	«FRESCO» МЧЖ	Тошкент вилояти, Қўй-чирчиқ тумани, Тошбул ҚФЙ, Оруз посёлкиси.	Жамият уставида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларидан шарбатлар, консервантлар ва бошқа турдаги шарбат маҳсулотларини тайёрлаш ва уларни сотиш, қўғоз билан таққилланган бошқа тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш белгиланган.	100 %	3 796 800 000,0	1 861 541,48

Очик аукцион шартлари:

Очик аукцион ғолиб улушнинг сотилиш баҳосидан 15 фоизи миқдоридидаги маблагни савдо ўтказилгандан сўнг, бўнак пули сифатида, қўғоз қисмини бир йил муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фойз ҳисобланади.

Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига «Ўзбекистон»нинг АҚШ доллари учун база ставкаси бўйича

фойз ҳисобланади.

Объект фаолиятини тиклаш мақсадида киритилган маблагларни харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлаб бериш шарти билан сотилади.

Ҳўжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат бож, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариусда тасдиқлаш, объектнинг баҳолаш ва суғурталаш билан боғлиқ харажатлар), очик аукцион савдолари ташкилотчисига тўланадиган комиссияни тўловлар ва бошқа келадиган бошқа барча харажатлар харидор маблагларни ҳисобидан амалга оширилади.

Очик аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар куйидаги ҳўжатларни тақдим этишлари лозим:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ғўвоҳнома-нинг нусхаси, раҳбарнинг тайинланганлиги тўғрисидаги бўйруқдан ва унинг паспорт-тидан нусха, шунингдек, вақолатли вақил қатнашган тақдирда, қўғоз ҳўжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳўжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жомоний шахслар учун — паспорт-нинг нусхаси, вақолатли вақил қатнашган тақдирда, қўғоз ҳўжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган тўлиқ вақолатли вақилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳўжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш қўғозларида маъмур эълон

чиққан қўғоз билан савдо қўғозидан икки кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Очик аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар томонидан савдога қўйилган «REGISTON PLAZA» МЧЖ, «XORAZM PALACE» МЧЖ ва «ASIA PIPEPLAST» МЧЖ улушлари бошлангич нархларининг 2 фоизи миқдоридида, «FRESCO» МЧЖ улуши бошлангич нархнинг 10 фоизи миқдоридидаги зақалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўлашни шарт.

Ушбу банк улушлари сотилаётган қўғозлар билан қўғоздан танишиш истагида бўлган талабгорлар уларнинг юқоридида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб та-

нишишлари мумкин.

Очик аукцион савдолари белгиланган савдо қўғозлари соат 15-00да бошланади ва Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали) манзилида бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:

Сотувчи (Банк): Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уй; телефон: 234-11-22, 234-15-60; телефакс: 234-43-31.

Савдо ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона; телефон: 233-02-49; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.

Гўвоҳнома № 005357

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Sharbat ABDULLAYEVA

Murodilla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farroh HAMROYEV
(Bosh muharrir 1-o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoahtchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatandorlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Koniibat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvasida chop etiladi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 746
10622
nashrada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21,05
Topshirilgan vaqti — 22,45

Sotuvda erkin narxda

Navbatches:

Toshtemir XUDYOQULOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Sobirjon TUNG'ATOV,

Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

7 7 2 0 1 0 7 6 3 3 0 0 8

1 2 4 5